(71)(72) Ташпулатов Абдувахид Ганиевич, Ташпулатов Абдувахид Ганиевич, Яхшимуратов Кахрамон Хасанович, Яхшимуратов Кахрамон Хасанович, Ташпулатов Абдулазис Абдувахидович, Ташпулатов Абдулазис Абдувахидович, UZ

(54) Йирингли инфекция шароитида катта болдир суяги касаллигини ташхислаш ва даволашни танлаш учун дастур
Программа для диагностики и выбора лечения заболевания большеберцовой кости в условиях гнойной инфекции

(57) Дастур остеомиелит турига караб, зарур даволашни танлаш ва асоратларнинг олдини олиш имконини беради.

ЭХМ тури: IBM PC 486 ва юқори

Дастур тили: Delphi 7.0

Операция тизими: Windows 95

Программа позволяет в зависимости от вида остеомиелита выбрать необходимое лечение и предотвратить осложнения.

Тип ЭВМ: IBM PC 486 и выше

Язык программирования: Delphi 7.0

Операционная среда: Windows 95

(11) DGU 01556

(21) DGU 2008 0075

(22) 13.05.2008

(71) "DiaSoft Systems" масъулияти чекланган жамияти, UZ

Общество с ограниченной ответственностью "DiaSoft Systems", UZ

(72) Набишев Дильшод Пардаевич, Ломакин Александр Сергеевич, UZ

(54) Биллинг ахборот тизими

Биллинговая информационная система

(57) Тизим уяли алоқа оператори томонидан тақдим этиладиган уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳисобини автоматлаштириш учун мўлжалланган бўлиб, уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш, коммутацион асбоб-ускуналар (телефония ва қўшимча хизматлар)дан олинган тарификация файлларини автоматлаштирилган қайта ишлаш ва ҳисоблаш, дебиторлик қарзларини автоматлаштирилган тарзда назорат қилиш, менежерлар учун автоматлаштирилган иш жойлари тақдим этиш, ташқи бухгалтерия тизимлари билан бирикиш, абонентлардан келиб тушган шикоятларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш, омборхона ҳисоби бўйича функцияларни амалга оширади.

ЭХМ тури: Sun Fire V490

Дастур тили: C++, PHP, PL/SQL

Операция тизими: Solaris 9/10, Windows XP, Red Hat Linux

Система предназначена для автоматизации учета пользования услугами сотовой связи, предоставляемыми оператором сотовой связи, реализует функции по учету пользования услугами сотовой связи, автоматизированной обработке и расчету тарификационных файлов с коммутационного оборудования (телефонии и дополнительных услуг), автоматизированному контролю за дебиторской задолженностью, предоставлению автоматизированных рабочих мест для менеджеров, стыковке с внешними бухгалтерскими системами, приему и учету жалоб от абонентов, складскому учету.

Тип ЭВМ: Sun Fire V490

Язык программирования: C++, PHP, PL/SQL

Операционная среда: Solaris 9/10, Windows XP, Red Hat Linux

(11) DGU 01557

(21) DGU 2008 0127

(22) 16.07.2008

(71) (72) Пак Антон Чун Кванович, Алиев Руслан Эльдарович, UZ

(54) ЭҶМ учун "SMS Server" дастури

Программа для ЭВМ "SMS Server"

(57) Ушбу дастур ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш учун мўлжалланган, электр ва иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув, газ, шаҳар телефони каби SMS-хабарлар воситалари бўйича коммунал тўловлар соҳасида, халқ хўжалиги ва саноатнинг банк, молия ва бошқа тармоқларида қўлланиши мумкин. Дастурий маҳсулот SMS-хабарларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш, таҳлил этиш ва дастур томонидан ишлов берилган маълумотлар асосида жавоб SMS-хабарни жўнатиш имконини беради.

ЭҶМ тури: Pentium III ва юқори

Дастур тили: Delphi 7, Pascal

Операция тизими: Windows XP, Vista

Данная программа предназначена для автоматизированной обработки информации, может применяться в сферах коммунальных платежей по средствам SMS-сообщения, таких как электро- и теплоэнергия, горячая и холодная вода, газ, городской телефон, в банковской, финансовой и других отраслях народного хозяйства и промышленности. Программный продукт позволяет принимать SMS-сообщения, обрабатывать, анализировать и отправлять ответное SMS-сообщение на основе обработанных программой данных.

Тип ЭВМ: Pentium III и выше

Язык программирования: Delphi 7, Pascal

Операционная среда: Windows XP, Vista

(11) DGU 01558

(21) DGU 2008 0025

(22) 05.03.2008

(71) Бухоро давлат университети, Бухарский государственный университет, Ёриев Олтин Музаффарович, Худойназарова Гулбахор Акиевна, Мавлянов Хамдам Назарович, UZ

(72) Ёриев Олтин Музаффарович, Худойназарова Гулбахор Акиевна, Мавлянов Хамдам Назарович, UZ

(54) "Noorganik kimyo" fanidan elektron darslik
Электронный учебник по предмету "Неорганическая химия"

(57) Мазкур электрон дарслик дастури университетларнинг "5440400-Кимё" таълим йўналишлари бакалаврлари учун "Ноорганик кимё" курси бўйича ўқиладиган маъруза машгулотларини автоматлаштириш мақсадида яратилди. Дастур ёрдамида таълим олувчилар овоз, рангли тасвир, анимация воситалари орқали турли кимёвий жараёнларни, кимё қонунларининг амал қилишини кузатиш имконига эга бўладилар.

ЭҶМ тури: Pentium III

Дастур тили: HTML

Операция тизими: Windows XP. 2000

Данная программа, созданная для автоматизации лекционных занятий по курсу «Неорганическая химия» для бакалавров по образовательному направлению «5440400» университетов, в отличие от традиционных учебников, позволяет посредством голоса, цветного изображения, анимаций в движении увидеть различные химические процессы и действие химических законов.

Тип ЭВМ: Pentium III

Язык программирования: HTML

Операционная среда: Windows XP. 2000

(11) DGU 01559

(21) DGU 2008 0088

(22) 06.06.2008

(71) "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA" Республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш маркази, UZ

Республиканский специализированный учебно-производственный центр "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA", UZ

(72) Мустапакулов Яздонкул Уматкулович, Абдикаримов Рустамхан Алимхович, Мустапакулова Наргиза Яздонкуловна, UZ

(54) "7-синф Зоология фанидан ўқув фильми" мультимедиа ишланмаси

Мультимедийная разработка "7-синф Зоология фанидан ўқув фильми"

(57) Мультимедиа ишланмаси зоология курсини ўрганаётганлар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу фанни дарсада ўзлаштиришда қўшимча материал сифатида, шунингдек синфдан ташқари ва мустақил машгулотлар пайтида қўлланиши мумкин. Дастурдан Интернет-технологияларни қўллаган ҳолда масофавий ўқитиш курси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, дастур ёрдамида электрон дарсликка киритилган ахборотни ишлаш, анима-

цион ва видеовизуал материалларни намоиш этиш мумкин.

ЭҲМ тури: Pentium II ва юкори

Дастур тили: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операция тизими: Windows98/2000/NT/XP

Мультимедийная разработка предназначена для изучающих курс зоологии и может применяться как дополнительный материал при его изучении в классе, а также во внеклассных и индивидуальных занятиях. Ее можно использовать как дистанционный курс с применением Интернет-технологий, с ее помощью можно обрабатывать информацию, содержащуюся в электронном учебнике, демонстрировать анимационные, аудиовизуальные материалы.

Тип ЭВМ: Pentium II и выше

Язык программирования: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS

Операционная среда: Windows98/200/NT/XP

(11) DGU 01560

(21) DGU 2008 0089

(22) 06.06.2008

(71) "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA" Республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш маркази, UZ

Республиканский специализированный учебно-производственный центр "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA", UZ

(72) Мустапакулов Яздонкул Уматкулович, Пулатов Улугбек Тимурович, Абдикаримов Уйгун Авазович, Искандаров Хайрулла Рахимбоевич, Хайдаров Баходир, Мустапакулова Наргиза Яздонкуловна, Дустматов Фирдавс Мукаддасович, UZ

(54) Умумтаълим мактаблари учун "Геометрия 9-синф" электрон дарслиги

Электронный учебник по курсу "Геометрия 9-синф" для общеобразовательных школ

(57) Ушбу дастурий таъминот геометрия фанини ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу фанни синфда ўзлаштиришда қўшимча материал сифатида, шунингдек синфдан ташқари ва мустақил машғулотлар пайтида қўлланиши мумкин. Дастурдан Интернет-технологияларни қўллаган холда масофавий ўқитиш курси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, дастур ёрдамида электрон дарсликка киритилган ахборотни ишлаш, анимацион ва видеовизуал материалларни намоиш этиш, мундарижа, маълумотномалар, калькуля-

торлар, чизмалар ва ҳ.к. каби бўлимларга ўтиш мумкин.

ЭҲМ тури: Pentium II ва юкори

Дастур тили: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операция тизими: Windows98/2000/NT/XP

Данное программное обеспечение предназначается для изучающих курс геометрии и может применяться как дополнительный материал при изучения указанного курса в классе, а также во внеклассных и индивидуальных занятиях. Его можно использовать как дистанционный курс с применением Интернет-технологий, с его помощью можно обрабатывать информацию, содержащуюся в электронном учебнике, демонстрировать анимационные, аудиовизуальные материалы, переходить на закладки, такие как оглавление, справочники, калькуляторы, чертежи и т.д.

Тип ЭВМ: Pentium II и выше

Язык программирования: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операционная среда: Windows98/2000/NT/XP

(11) DGU 01561

(21) DGU 2008 0090

(22) 06.06.2008

(71) "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA" Республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш маркази, UZ

Республиканский специализированный учебно-производственный центр "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA", UZ

(72) Мустапакулов Яздонкул Уматкулович, Пулатов Улугбек Тимурович, Абдикаримов Уйгун Авазович, Искандаров Хайрулла Рахимбоевич, Хайдаров Баходир, Мустапакулова Наргиза Яздонкуловна, Дустматов Фирдавс Мукаддасович, UZ

(54) Умумтаълим мактаблари учун "Геометрия 8-синф" курси бўйича электрон дарслиги

Электронный учебник по курсу "Геометрия 8-синф" для общеобразовательных школ

(57) Ушбу дастурий таъминот геометрия фанини ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу фанни синфда ўзлаштиришда қўшимча материал сифатида, шунингдек синфдан ташқари ва мустақил машғулотлар пайтида қўлланиши мумкин. Дастурдан Интернет-технологияларни қўллаган холда масофавий ўқитиш курси сифатида ҳам

фойдаланиш мумкин, дастур ёрдамида электрон дарсликка киритилган ахборотни ишлаш, анимацион ва видеовизуал материалларни намойиш этиш, мундарижа, маълумотномалар, калькуляторлар, чизмалар ва ҳ.к. каби бўлимларга ўтиш мумкин.

ЭҶМ тури: Pentium II ва юқори

Дастур тили: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операция тизими: Windows98/2000/NT/XP

Данное программное обеспечение предназначается для изучающих курс геометрии и может применяться как дополнительный материал для изучения указанного курса в классе, а также во внеклассных и индивидуальных занятиях. Его можно использовать как дистанционный курс с применением Интернет-технологий, с его помощью можно обрабатывать информацию, содержащуюся в электронном учебнике, демонстрировать анимационные, аудиовизуальные материалы, переходить на закладки, такие как оглавление, справочники, калькуляторы, чертежи и т.д.

Тип ЭВМ: Pentium II и выше

Язык программирования: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операционная среда: Windows98/2000/NT/XP

(11) DGU 01562

(21) DGU 2008 0091

(22) 06.06.2008

(71) "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA" Республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш маркази, UZ

Республиканский специализированный учебно-производственный центр "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA", UZ

(72) Мустапакулов Яздонкул Уматкулович, Пулатов Улугбек Тимурович, Абдиқаримов Уйғун Авазович, Искандаров Хайрулла Рахимбоевич, Хакимходжаев Нодир Наримонович, Мустапакулова Наргиза Яздонкуловна, UZ

(54) Умумтаълим мактаблари учун "Инглиз тили 8-синф" курси бўйича электрон дарслиги

Электронный учебник по курсу "Инглиз тили 8-синф" для общеобразовательных школ

(57) Ушбу дастурий таъминот инглиз тили фанини ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу фанни синфда ўзлаштиришда қўшимча материал сифатида, шунингдек синфдан ташқар

ри ва мустақил машғулотлар пайтида қўлланиши мумкин. Дастурдан Интернет-технологияларни қўллаган ҳолда масофавий ўқитиш курси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, дастур ёрдамида электрон дарсликка киритилган ахборотни ишлаш, анимацион ва видеовизуал материалларни намойиш этиш, мундарижа, маълумотномалар, калькуляторлар, чизмалар ва ҳ.к. каби бўлимларга ўтиш мумкин.

ЭҶМ тури: Pentium II ва юқори

Дастур тили: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операция тизими: Windows98/2000/NT/XP

Данное программное обеспечение предназначается для изучающих курс английского языка и может применяться как дополнительный материал при изучении указанного курса в классе, а также во внеклассных и индивидуальных занятиях. Его можно использовать как дистанционный курс с применением Интернет-технологий, с его помощью можно обрабатывать информацию, содержащуюся в электронном учебнике, демонстрировать анимационные, аудиовизуальные и фотоматериалы, переходить на закладки, такие как оглавление, словарь, задачи и др.

Тип ЭВМ: Pentium II и выше

Язык программирования: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операционная среда: Windows98/2000/NT/XP

(11) DGU 01563

(21) DGU 2008 0092

(22) 06.06.2008

(71) "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA" Республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш маркази, UZ

Республиканский специализированный учебно-производственный центр "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA", UZ

(72) Мустапакулов Яздонкул Уматкулович, Пулатов Улугбек Тимурович, Абдиқаримов Уйғун Авазович, Искандаров Хайрулла Рахимбоевич, Мусаев Жаҳонгир Паязович, Одилова Хафиза Нуриллаевна, Мустапакулова Наргиза Яздонкуловна, UZ

(54) Умумтаълим мактаблари учун "География 8-синф" электрон дарслиги

Электронный учебник по курсу "География 8-синф" для общеобразовательных школ

(57) Ушбу дастурий таъминот география фанини ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу

фанни синфда ўзлаштиришда қўшимча материал сифатида, шунингдек синфдан ташқари ва мустақил машғулотлар пайтида қўлланиши мумкин. Дастурдан Интернет-технологияларни қўллаган ҳолда масофавий ўқитиш курси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, дастур ёрдамида электрон дарсликка киритилган ахборотни ишлаш, анимацион ва видеовизуал материалларни намойиш этиш, мундарижа, карталар, масалалар ва ҳ.к. каби бўлимларга ўтиш мумкин.

ЭХМ тури: Pentium II ва юқори

Дастур тили: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операция тизими: Windows98/2000/NT/XP

Данное программное обеспечение предназначается для изучающих курс географии и может применяться как дополнительный материал при изучении указанного курса в классе, а также во внеклассных и индивидуальных занятиях. Его можно использовать как дистанционный курс с применением Интернет-технологий, с его помощью можно обрабатывать информацию, содержащуюся в электронном учебнике, демонстрировать анимационные, аудиовизуальные и фотоматериалы, переходить на закладки, такие как оглавление, карты, задачи и др.

Тип ЭВМ: Pentium II и выше

Язык программирования: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS, Adobe Dreamviewer, Java Script

Операционная среда: Windows98/2000/NT/XP

(11) DGU 01564

(21) DGU 2008 0093

(22) 06.06.2008

(71) "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA" Республика ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш маркази, UZ

Республиканский специализированный учебно-производственный центр "O'ZBEKO'QUVAVTOMATIKA", UZ

(72) Мустапакулов Яздонкул Уматкулович, Абдиқаримов Рустамхан Алимхович, Мустапакулова Наргиза Яздонкуловна, UZ

(54) "5-синф Ботаника фанидан ўқув фильми" мультимедиа ишланмаси

Мультимедийная разработка "5-синф Ботаника фанидан ўқув фильми"

(57) Ушбу дастурий таъминот ботаника фанини ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу фанни синфда ўзлаштиришда қўшимча материал сифатида, шунингдек синфдан ташқари ва мус-

тақил машғулотлар пайтида қўлланиши мумкин. Дастурдан Интернет-технологияларни қўллаган ҳолда масофавий ўқитиш курси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, дастур ёрдамида электрон дарсликка киритилган ахборотни ишлаш, анимацион ва видеовизуал материалларни намойиш этиш.

ЭХМ тури: Pentium II ва юқори

Дастур тили: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS

Операция тизими: Windows98/2000/NT/XP

Данная мультимедийная разработка предназначена для изучающих курс ботаники и может применяться как дополнительный материал при изучении указанного курса в классе, а также во внеклассных и индивидуальных занятиях. Ее можно использовать как дистанционный курс с применением Интернет-технологий, с ее помощью можно обрабатывать информацию, содержащуюся в электронном учебнике, демонстрировать анимационные, аудиовизуальные материалы.

Тип ЭВМ: Pentium II и выше

Язык программирования: HTML, Adobe Flash 8, Adobe PhotoShop CS

Операционная среда: Windows98/2000/NT/XP

(11) DGU 01565

(21) DGU 2008 0135

(22) 30.07.2008

(71) Хусусий тадбиркор "Абдуллаев Фаррух", UZ

Частный предприниматель "Абдуллаев Фаррух", UZ

(72) Абдуллаев Фаррух Абдурахманович, UZ

(54) Адлия бошқармаси учун девонхона ва назорат-таҳлил ахборот дастури

Информационная система для канцелярии, контроля и статистики в отделении юстиции

(57) Дастур девонхона, назорат бўлими, статистика ва ҳисоб-китоб бўлимларининг ишини автоматлаштириш учун мўлжалланган бўлиб, ЎзР Адлия вазирлигининг вилоят бўлимларида қўлланади. Функционал имкониятлари – кириш ва чиқиш ҳужжатларини (шу жумладан, электрон нусхаларни) девонхонага киритиш, рўйхатларни излолар учун, рејестрларни, хат жилдлар ва қвитанцияларни олиш; девонхонага киритилган ҳужжатларнинг, агар улар назоратга қўйилган бўлса, бажарилиши устидан назорат тизими; девонхона ва бўлимларга киритилган рўйхатлар, сўровлар ва ҳисоботлар модули.

ЭХМ тури: IBM PC
Дастур тили: VBA
Операция тизими: Microsoft Windows XP

Программа предназначается для автоматизации работы канцелярии, отдела контроля и статистики и отчетности отделов, применяется в областных отделениях Министерства юстиции РУз. Функциональные возможности - ввод входящих

и исходящих документов (включая электронную копию) в канцелярию, получение списков на подпись, реестров, конвертов и квитанций; система контроля за исполнением документов, введенных в канцелярию, при постановке их на контроль; модуль списков, запросов и отчетов на основе данных, введенных в канцелярию и отделы.
Тип ЭВМ: IBM PC
Язык программирования: VBA
Операционная среда: Microsoft Windows XP

6.2. ЭХМ дастурларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи

Нумерационный указатель заявок на программы для ЭВМ

Талабнома рақами Номер заявки	Гувоҳнома рақами Номер свидетельства
DGU 2008 0025	DGU01558
DGU 2008 0055	DGU01554
DGU 2008 0072	DGU01555
DGU 2008 0075	DGU01556
DGU 2008 0088	DGU01559
DGU 2008 0089	DGU01560
DGU 2008 0090	DGU01561
DGU 2008 0091	DGU01562

Талабнома рақами Номер заявки	Гувоҳнома рақами Номер свидетельства
DGU 2008 0092	DGU01563
DGU 2008 0093	DGU01564
DGU 2008 0100	DGU01551
DGU 2008 0101	DGU01552
DGU 2008 0102	DGU01553
DGU 2008 0127	DGU01557
DGU 2008 0135	DGU01565

Ушбу бўлимда 15 та ЭХМ учун дастурлар тўғрисидаги маълумотлар нашр қилинди.

В настоящем разделе опубликованы сведения о 15 программах для ЭВМ.

VII. МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ БАЗЫ ДАННЫХ

7.1. Маълумотлар базалари Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган маълумотлар базалари ҳақида маълумотларни нашр қилиш

Публикация сведений о базах данных, зарегистрированных в Государственном реестре базы данных

(11) BGU 00144

(21) BGU 2008 0009

(22) 13.05.2008

(71)(72) Хақимов Муфтах Ҳамидович, UZ

(54) Биология ва экология бўйича инглизча-русча-ўзбекча атама ва ифодалар базаси

База англо-русско-узбекских терминов и фраз по биологии и экологии

(57) Ушбу маълумотлар базаси (МБ) махсус луғатлар билан рус тилидан ўзбек тилига ва аксинча автомат таржима қилишга мўлжалланган «Таржимон-L-MX» компьютер таржима муҳитининг таркибий қисмидир. Маълумотлар исталган компьютер муҳитида ва шундай мобил телефонлар муҳитида қўлланиши мумкин. МБ қуйидаги характеристикага эга: атама ва ифодаларнинг янги таҳрири яратилган, кўпгина ноаниқлик ва хатолар тўғриланган; биология ва экологиядан мос равишда инглиз тилида 3855/984, рус тилида 6027/989 ва ўзбек тилида 6146-994 атама ва ифодаларни ўз ичига олади; барча атама ва ифодалар сўзлар миқдорини аниқловчи оғирлик коэффициентларига эга; уччала тилнинг атама ва ифодалари махсус ID орқали ўзаро алоқага эга.

ЭҲМ тури: IBM PC

Дастур тили: СУБД MS Access 2003

Операция тизими: Windows XP

Настоящая база данных (БД) – это составная часть «Компьютерной переводческой среды «Таржимон-L-MX», предназначенной для автоматического перевода с русского на узбекский язык и наоборот со специализированными словарями. БД может использоваться в любой компьютерной переводческой среде и в таких же средах мобильных телефонов. БД может производить новое редактирование терминов и фраз, исправлять неточности и ошибки. По биологии и экологии она включает соответственно 3855/984 термина и фразы на английском, 6027/989 на русском и 6146/994 на узбекском языке; все термины или фразы имеют весовые коэффициенты, определяющие количество слов; термины и фра-

зы трех языков имеют между собой связь через специальный ID.

Тип ЭВМ: IBM PC

Язык программирования: СУБД MS Access 2003

Операционная среда: Windows XP

(11) BGU 00145

(21) BGU 2008 0010

(22) 13.05.2008

(71)(72) Хақимов Муфтах Ҳамидович, Муратов Умирзак Махмудович, Балтаев Фахриддин Пардабаевич, UZ

(54) Иқтисодиёт ва иш юритиш бўйича русча-ўзбекча атама ҳамда ифодалар базаси

База русско-узбекских терминов и фраз по экономике и делопроизводству

(57) Ушбу маълумотлар базаси (МБ) махсус луғатлар билан рус тилидан ўзбек тилига ва аксинча автомат таржима қилишга мўлжалланган. «Таржимон-L-MX» компьютер таржима муҳитининг таркибий қисмидир. Иқтисод ва иш юритиш бўйича автоматлаштирилган локал иккитилли атамалар луғатининг асосини ташкил этиши мумкин. Маълумотлар исталган компьютер муҳитида ва шундай мобил телефонлар муҳитида қўлланиши мумкин. МБ қуйидаги характеристикага эга: конкрет тилнинг формал тизими элементи сифатида мослаштирилган; иқтисод бўйича рус тилида 1715, ўзбек тилида эса 2237 атама ва ифодаларни ўз ичига олади; иш юритиш бўйича рус тилида 1452, ўзбек тилида эса 1903 атама ва ифодаларни ўз ичига олади; барча атама ва ифодалар сўзлар миқдорини аниқловчи оғирлик коэффициентларига эга; иккала тилнинг атама ва ифодалари махсус ID орқали ўзаро алоқага эга.

ЭҲМ тури: IBM PC

Дастур тили: СУБД: MS Access 2003

Операция тизими: Windows XP

Настоящая база данных (БД) - это составная часть «Компьютерной переводческой среды «Таржи-

мон-L-MX», предназначенной для автоматического перевода с русского на узбекский язык и наоборот со специализированными словарями. БД может составить основу локального двухязычного автоматизированного словаря терминов и фраз по экономике и делопроизводству и использоваться в любой компьютерной переводческой среде и в таких же средах мобильных телефонов. БД имеет следующие характеристики: адаптирована как элемент формальной системы конкретного языка; по экономике включает

1715 терминов и фраз на русском языке, 2237 на узбекском; по делопроизводству – 1452 термина и фразы на русском языке, 1903 – на узбекском. Каждый термин или фраза имеют весовые коэффициенты, определяющие количество слов; все термины и фразы обоих языков имеют между собой связь через специальный ID.

Тип ЭВМ: IBM PC

Язык программирования: СУБД: MS Access 2003

Операционная среда: Windows XP

7.2. Маълумотлар базаларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи

Нумерационный указатель заявок на базы данных

Талабнома рақами Номер заявки	Гувоҳнома рақами Номер свидетельства
BGU 2008 0009	BGU 00144
BGU 2008 0010	BGU 00145

Ушбу бўлимда 2 та маълумотлар базаси тўғрисидаги маълумотлар нашр қилинди.

В настоящем разделе опубликованы сведения о 2 базах данных.

X. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА ХУҚУҚНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР

ДОГОВОРЫ О ПЕРЕДАЧЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ

QB4K/4W

10.1. Лицензия шартномалари Лицензионные договоры

Фойдали модел

Полезная модель

SFP 1/2008. «Толани намлаш агенти ишлаб чиқаргич» фойдали моделидан фойдаланишга номутлоқ лицензия

Патент рақами **FAP 00204**

Лицензиар – «Рахта тозалаш ИЧВ» очик турдаги акциядорли жамияти, UZ

Лицензиат – «Бектемир пахта сервис» масъулияти чекланган жамият, UZ

Шартнома амал қилиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси

Шартнома амал қилиш муддати – 17.05.2009й. гача

SFP 1/2008. Неисключительная лицензия на использование полезной модели «Генератор агента для увлажнения волокна»

Патент № **FAP 00204**

Лицензиар – Открытое акционерное общество «Рахта тозалаш ИЧВ», UZ

Лицензиат – Общество с ограниченной ответственностью «Бектемир пахта сервис», UZ

Территория действия договора – Республика Узбекистан

Срок действия договора – до 17.05.2009 г.

Товар белгилари

Товарные знаки

SMG 49/2008. Товар белгисидан фойдаланишга номутлоқ лицензия

Гувоҳнома рақами **№ MGU 14256**

Берувчи томон – «Platinum Express» масъулияти чекланган жамият, UZ

Олувчи томон – «Unitech» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси, UZ

Шартнома амал қилиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси

Шартнома амал қилиш муддати – 04.08.2013й. гача

SMG 49/2008. Неисключительная лицензия на использование товарного знака

Свидетельство **№ MGU 14256**

Передающая сторона – Общество с ограниченной ответственностью «Platinum Express», UZ

Получающая сторона – Совместное предприятие в форме общества с ограниченной ответственностью «Unitech», UZ

Территория действия договора – Республика Узбекистан

Срок действия договора – до 04.08.2013 г.

SMG 50/2008. Товар белгисидан фойдаланишга номутлоқ лицензия

Гувоҳнома рақами **№ 912256**

Берувчи томон – Зивенко Сергей Викторович, RU

Олувчи томон – Nice Crystal Trading S.A., PA

Шартнома амал қилиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси

Шартнома амал қилиш муддати – 13.08.2010й. гача

SMG 50/2008. Неисключительная лицензия на использование товарного знака

Свидетельство **№ 912256**

Передающая сторона – Зивенко Сергей Викторович, RU

Получающая сторона – Nice Crystal Trading S.A., PA

Территория действия договора – Республика Узбекистан

Срок действия договора – до 13.08.2010 г.

SMG 51/2008. Товар белгисидан фойдаланшга номутлоқ лицензия
 Гувоҳнома рақами № 833248
Берувчи томон – «Торгово-промышленная группа «Кристал» очик турдаги акциядорли жамияти, RU
Олувчи томон – Nice Crystal Trading S.A., PA
Шартнома амал қилиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси
Шартнома амал қилиш муддати – 15.08.2010й. гача

SMG 51/2008. Неисключительная лицензия на использование товарного знака
 Свидетельство № 833248
Передающая сторона – Открытое акционерное общество «Торгово-промышленная группа «Кристал», RU
Получающая сторона – Nice Crystal Trading S.A., PA
Территория действия договора – Республика Узбекистан
Срок действия договора – до 15.08.2010 г.

PC4W

10.2 Ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари Договоры о передаче прав

Товар белгилари Товарные знаки

SMG 47/2008. Товар белгисига ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш
 Гувоҳнома рақами № 11906
Берувчи томон – «Makboil» масъулияти чекланган жамият, UZ
Олувчи томон – «Braibanti technology» масъулияти чекланган жамият, UZ

SMG 47/2008. Передача прав на товарный знак
 Свидетельство № 11906
Передающая сторона – Общество с ограниченной ответственностью «Makboil», UZ
Получающая сторона – Общество с ограниченной ответственностью «Braibanti technology», UZ

SMG 48/2008. Товар белгисига ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш
 Гувоҳнома рақами № 8383
Берувчи томон – «Kamalak TV» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси, UZ
Олувчи томон – «Peujing Port» масъулияти чекланган жамият, UZ

SMG 48/2008. Передача прав на товарный знак
 Свидетельство № 8383
Передающая сторона – Совместное предприятие в форме общества с ограниченной ответственностью « Kamalak TV », UZ
Получающая сторона – Общество с ограниченной ответственностью ««Peujing Port»», UZ

SMG 52/2008. Товар белгисига ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш
 Гувоҳнома рақами № 3518
Берувчи томон – Филипп Моррис ГмбХ, DE
Олувчи томон – Филипп Моррис продактс С.А., СН

SMG 52008. Передача прав на товарный знак
 Свидетельство № 3518
Передающая сторона – Филипп Моррис ГмбХ, DE
Получающая сторона – Филипп Моррис продактс С.А., СН

SMG 53/2008. Товар белгисига ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш
Гувоҳнома рақами **№ 832**
Берувчи томон – ВФ Джэмени Сервиес ГмбХ,
DE
Олувчи томон – Otto файненс Сайпрэс Лтд, СҮ

SMG 53/2008. Передача прав на товарный знак
Свидетельство **№ 832**
Передающая сторона – ВФ Джэмени Сервиес
ГмбХ, DE
Получающая сторона – Otto файненс Сайпрэс
Лтд, СҮ

Ушбу бўлимда 1 та фойдали модел, 3 та товар белгиси бўйича лицензия шартномаси, 4 та товар белгилари бўйича ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар нашр қилинди.

В настоящем разделе опубликованы сведения об одном лицензионном договоре на полезную модель, трех лицензионных договорах на товарные знаки и о четырех договорах о передаче права на товарные знаки.

XI. РАСМИЙ АХБОРОТЛАР ОФИЦИАЛЬНЫЕ СООБЩЕНИЯ

Ўзбекистон Республикаси ҚОНУНИ

«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги 1062-ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397-П-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, №9, 158-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «яратиш» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **4-модданинг биринчи қисмидаги** «чиқаришда» деган сўз «қабул қилишда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **5-модданинг:**

бешинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Саноат мулки объектининг патенти саноат мулки объекти устуворлигини, унга муаллифликни ва патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди»;

олтинчи-саккизинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи-ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **олтинчи-ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **6-модданинг саккизинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳар қандай соҳада:

маҳсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки хайвонлар ҳужайраларининг турларига);

усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади»;

5) **13-модданинг иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади»;

6) **18-модда:**

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «ихтиро» деган сўз «саноат мулки объекти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Саноат мулки объекти устуворлиги олдин топширилган бир нечта талабнома ёки уларга доир қўшимча материаллар асосида бу талабномалар ва қўшимча материалларга нисбатан ушбу моддада белгиланган шартларга риоя қилинган ҳолда белгиланиши мумкин»;

учинчи-бешинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи-олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) **20-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий техника экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказиши».

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки объектнинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга. Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин, лекин Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилгунигача қадар тақдим этилиши мумкин.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади. Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Белгиланган муддат талабнома берувчининг илтимосномасига кўра шу муддат ўтган санадан кейин кўпи билан ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган ҳолда топширилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров унга юборилган санадан уч ой муддат ичида ушбу объектлардан қайси бири кўриб чиқилиши лозимлигини хабар қилиш ҳамда тегишинча талабнома ҳужжатларга аниқликлар киритиш таклиф қилинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар алоҳида талабномаларга ажратилиши мумкин. Агар талабнома берувчи ушбу объектлардан қайси бирини кўриб чиқиш зарурлигини хабар қилмаса ва аниқлик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи қилиб кўрсатилган объект давлат экспертизасидан ўтказилади.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш муқаррарлигини тақозо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда, Патент идораси томонидан қайта тикланиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб кўпи билан ўн икки ой ичида топширилиши мумкин.

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар давлат экспертизасининг исталган босқичида патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиши мумкин.

Патент бериш ҳақидаги талабнома материаллардаги маълумотлар Патент идораси томонидан сир сақланиши керак ва улар ҳақидаги ахборот талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Талабнома материалларидаги ахборотни ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги ёки фойдали модель ва саноат намунаси давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилингунга қадар ошкор этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабнома ёки фойдали модель ҳақидаги талабнома материалларида давлат сирларини ташкил қилган маълумотлар мавжуд бўлса, бундай талабнома бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Патент идораси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиб олинган патент бериш ҳақидаги талабномалар талабнома берувчиларга қайтарилмайди»;

8) қуйидаги мазмундаги **21¹-модда** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтганидан кейин расмий ахборотномада эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома берувчининг илтимосномасига кўра Патент идораси кўриб чиқиш учун қабул қилинган ихтиро ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтгунга қадар ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганидан кейин ҳар қандай шахс ушбу талабномага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли. Ихтиро ҳақидаги талабномага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқиш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади»;

9) 22-модданинг :

учинчи қисмидаги «патенти беришни рад этиш ҳақида қарор чиқарилиб» деган сўзлар «Патент идораси патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «фойдали моделга патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб» деган сўзлар «Патент идораси фойдали моделга патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 23-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**«23-модда. Ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси**

«Патент идораси патент божи тўланган тақдирда, талабнома берувчининг ёки ҳар қандай шахснинг илтимосномасига кўра ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказади. Илтимоснома талабнома топширилаётганда ёки кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин. Талабнома берувчи келиб тушган илтимосномалар ҳақида Патент идораси томонидан хабардор қилинади.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани топшириш муддати бундай илтимоснома билан биргаликда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, талабнома берувчининг талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ўтгунига қадар топширилган илтимосномасига кўра Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома уч йиллик муддатда келиб тушмаган тақдирда, ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда, саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техник экспертизаси ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг патент бериш ҳақидаги талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат бузилган тақдирда талабнома чақириб олинган ҳисобланади

Агар ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси натижасида талабнома берувчи таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг ёки муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланган саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг белгиланган талабларга мослиги аниқланса, Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Ихтиро ёки саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, Патент идораси патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин»;

11) қуйидаги мазмундаги 23¹ –модда билан тўлдирилсин:**«23¹-модда. Ихтиронинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси**

Ихтирога ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан ихтиро давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар эълон қилинадиган санага қадар вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган бўлса ёки ушбу талабнома бўйича Патент идораси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят бериш имконияти тугаган бўлса, вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза юз бермаган ҳисобланади.

Ихтиродан унинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси даврида фойдаланаётган шахс ихтирога патент олинганидан кейин патент эгасининг талабига кўра унга миқдори патент эгаси билан келишув асосида белгиланадиган пул товони тўлаши шарт»;

12) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «уч ой» деган сўзлар «ўн кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **27-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

